



## ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФ

**Шоймарданов Шохбоз Холбоевич**

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20286773>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 1-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 5-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 19-may 2026 yil

#### KEY WORDS

фуқаролар мурожаатлари,  
мурожаат ҳуқуқи,  
конституциявий ҳуқуқ,  
маъмурий ҳуқуқ, прокурор  
назорати, рақамли давлат,  
алгоритмик қарор, маъмурий  
акт.

### ABSTRACT

Мақолада фуқаролар мурожаатлари институтининг ҳуқуқий табиати, тарихий шаклланиши ва ҳуқуқий тавсифи муаммоси таҳлил қилинган. Институтнинг Қадимги Римдан то замонавий конституциявий тизимларгача бўлган тараққиёт йўли тадқиқ этилган. Жаҳон ҳуқуқий адабиётидаги тўртта асосий назарий ёндашув – конституциявий ҳуқуқ назарияси, маъмурий ҳуқуқ институти назарияси, коммуникатив демократия ва иштирокчи демократия назариялари қиёсий таҳлил қилинган. Муаллиф фуқаролар мурожаатларининг дуал ҳуқуқий табиатини – конституциявий субъектив ҳуқуқ ҳамда маъмурий-ҳуқуқий жараён сифатидаги мақомини – илмий жиҳатдан асослайди. Шунингдек, рақамли муҳитда автоматлаштирилган рад жавобларининг ҳуқуқий квалификацияси муаммоси кўриб чиқилади ва прокурор назоратининг рақамли жараёнлардаги ўрни бўйича таклифлар берилади.

### КИРИШ

Фуқаролар мурожаатлари институти замонавий демократик давлатчиликнинг асосий устунларидан бирини ташкил этади. У, бир томондан, фуқарони давлат механизмига нисбатан таъсир кўрсата оладиган ҳуқуқий субъект сифатида эътироф этса, иккинчи томондан эса давлат органларига жамоатчилик талабларини ва аниқ ижтимоий вазиятни мунтазам равишда ҳисобга олиш имконини беради. Шу сабабли мурожаат ҳуқуқининг ҳуқуқий табиатини тушуниш нафақат назарий аҳамиятга эга, балки прокурор назорати механизмларини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ҳам амалий зарурат ҳисобланади. Биз мазкур мақолада фуқаролар мурожаатлари институтининг тарихий шаклланиши, ҳуқуқий табиатига оид жаҳон ҳуқуқий адабиётидаги назарий баҳслар ва Ўзбекистон ҳуқуқ тизимидаги конституциявий-қонуний асосларини таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилдик.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Фуқаролар мурожаатлари институтининг тарихий ривожланишини ўрганиш жараёнида унинг асл келиб чиқиш шакллари Қадимги Рим ҳуқуқига бориб тақалишини кўриш мумкин. Рим давридаги «libellus supplex», яъни ҳукмдорга қаратилган ёзма мурожаат, – бу давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг дастлабки ҳуқуқий ифодаси эди. Лекин ушбу институт ҳали субъектив ҳуқуқ сифатида эмас, балки монарх ихтиёрида бўлган «марҳамат кўрсатиш» акти сифатида фаолият юритарди. Ўрта аср Европасида Буюк Шахс даҳлсизлиги (Magna Carta Libertatum, 1215) нинг 40-моддасига кўра «Биз ҳеч кимга ҳуқуқ сотмаймиз, рад этмаймиз ёки кечиктирмаймиз» деган мазмундаги қонун мустақамлади. Ушбу белгиланган қонунда давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳимоя қилиниши лозим бўлган мустақил ҳуқуқий қафолат эканлигини биринчи бор расмий равишда эътироф этди.<sup>12</sup>

Инглиз ҳуқуқшуноси А. Лихтенбергнинг таъкидлашича, мурожаат ҳуқуқини мустақил ҳуқуқий институт сифатида тан олишда 1689 йилдаги Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билнинг (Bill of Rights) аҳамияти беқиёс бўлиб, унга кўра ҳар бир шахс парламентга эркин ариза бериши фуқаронинг чекланмаган ҳуқуқи бўлиб, ушбу ҳуқуқни ҳибсга олиш ёки жиноий таъқиб қилиш орқали бузиш қонунга зид саналади. Ушбу қонунда ҳуқуқий тарихда биринчи марта мурожаат ҳуқуқини давлат томонидан зўравонлик ишлатилишига қарши ҳимоя қилинадиган субъектив ҳуқуқ мақомига кўтарди.<sup>3</sup>

XVIII–XIX асрларда бўлиб ўтган инқилоблар даврида мурожаат ҳуқуқи табиий ҳуқуқлар назариясига суяниб конституциявий мақом олди. Масалан, 1791 йилдаги АҚШ Конституциясининг Биринчи ўзгартиришида «Конгресс... халқнинг... давлатга шикоят аризалари билан мурожаат қилиш ҳуқуқини чекловчи ҳеч қандай қонун қабул қила олмайди» деб белгилаб қўйилди. Ушбу конституциявий норма ўша даврда инқилобий янгилик бўлиб, у мурожаат ҳуқуқини ижро ҳокимиятига нисбатан ҳимоя қилинадиган ва суд орқали мажбурлаб ижро эттирилиши мумкин бўлган субъектив ҳуқуқ деб эътироф этди.<sup>4</sup>

Фуқаролар мурожаатлари институтининг ҳуқуқий табиатига оид жаҳон ҳуқуқий адабиётида бир нечта асосий назарий ёндашув мавжуд бўлиб, улар орасида жиддий баҳс ва мунозаралар давом этмоқда. Ушбу баҳсни тўлиқ тушуниш учун аввало унинг методологик заминини аниқлаш зарур. Тадқиқотчи олимлар мурожаат ҳуқуқига нисбатан турлича таянч нуқтасидан – кимлари конституциявий назария, кимлари маъмурий ҳуқуқ доктринаси, кимлари эса сиёсий фалсафа позициясидан – ёндашаётганлиги сабабли уларнинг хулосалари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бундан ташқари, мурожаат ҳуқуқи «халос этилмаган тушунча (essentially contested concept)», яъни ягона таърифи қонун тарихида бўлмаган ва мазмунига қараб турлича талқин қилинадиган тушунча хусусиятига эга эканлигини ҳам инобатга олиш лозим. Мазкур ҳолат ўз-ўзидан баҳс-мунозараларни тугатиб бўлмаслигини, балки уларни методологик жиҳатдан самарали бошқариш кераклигини қуйидаги ёндашувлар орқали тасдиқлайди.

<sup>1</sup>Tellegen-Couperus O. A Short History of Roman Law. – London: Routledge, 1993. – P. 73–74.

<sup>2</sup>Magna Carta, 1215. Art. 40 // Stephenson C., Marcham F. (eds.) Sources of English Constitutional History. – New York: Harper & Row, 1972. – P. 42–46.

<sup>3</sup>Lichtenberg A. The Historical Development of the Right to Petition // Journal of Legal History. 2001. № 22(2). – P. 45–78.

<sup>4</sup>United States Constitution. Amendment I (1791) // <https://constitution.congress.gov/constitution/amendment-1>

Биринчиси – конституциявий ҳуқуқ назарияси. Ушбу концепция тарафдорлари мурожаат ҳуқуқини фундаментал инсон ҳуқуқлари қаторида кўради. Гарвард профессори Ж. Новакнинг фикрича, «мурожаат ҳуқуқи мустақил институт бўлмай, ифода эркинлиги, йиғилишлар эркинлиги ва адолатли суд ишини юритиш ҳуқуқлари билан биргаликда демократик давлатнинг муайян конституциявий ядросини ташкил этади». Тадқиқотчининг мазкур илмий қарашини БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-умумий изоҳида ҳам акс этган бўлиб, мазкур изоҳда мурожаат ҳуқуқи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасида кафолатланган ифода эркинлигининг алоҳида кўриниши сифатида баҳоланади.<sup>56</sup>

Иккинчиси – маъмурий ҳуқуқ институти назарияси. Таниқли немис маъмурий ҳуқуқшуноси профессор Х. Маурер ўзининг «Умумий маъмурий ҳуқуқ (Allgemeines Verwaltungsrecht)» асарида мурожаатларни аввало маъмурий жараённинг таркибий элементи сифатида таснифлайди. Унинг фикрича, фуқаронинг маъмурий органга мурожаати – бу суд жараёни ўрнига оддий, тез ва арзон маъмурий йўл орқали ҳуқуқий самарага эришишнинг механизми бўлиб, шу сабабли у маъмурий ҳуқуқнинг мустақил институти сифатида алоҳида ҳуқуқий тартибга солинишга муносибдир. Ушбу концепция Польша маъмурий ҳуқуқ мактаби вакили Й. Старосцякнинг асарларида ҳам ривожлантирилган бўлиб, у мурожаат ҳуқуқини «маъмурий демократиянинг ҳуқуқий кўриниши» деб атаб, уни бошқарув самарадорлигини таъминловчи функционал механизм сифатида таърифлайди.<sup>78</sup>

Учинчиси – коммуникатив демократия назарияси. Мазкур назария немис файласуфи Ю. Хабермаснинг «Ҳақиқат ва норма ўртасида (Between Facts and Norms)» номли асарида жамоат муҳокамаси (public discourse) назариясини ривожлантириб, мурожаатни ҳуқуқий институт сифатидан кенгроқ, яъни давлат ва фуқаро ўртасидаги легитим коммуникатив алмашинув механизми сифатида таҳлил қилади. Ушбу назариянинг асл мазмунига кўра, мурожаат ҳуқуқи давлатнинг демократик легитимлигини таъминловчи баҳс-мунозарага асосланиш орқали фуқаро ўз мурожаати орқали сиёсий ва ҳуқуқий тизимни ўз иштирокига асосланган фойдали янгиликларга мажбурлайди. Мазкур олимнинг ёндашуви мурожаат институтини фақат ҳуқуқий эмас, балки сиёсий-нормативик категория сифатида тушунишга имкон беради. Бироқ, айнан шу жиҳат ушбу концепциянинг ҳуқуқшунослар томонидан танқидига сабаб бўлганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, инглиз маъмурий ҳуқуқ соҳасида тадқиқотлар олиб борган П. Крейг: «Ю. Хабермаснинг ёндашуви назарий жиҳатдан ишонарли, лекин у мурожаат институтини аниқ ҳуқуқий мақомга эга бўлган таъсирчан амалий механизм сифатида тавсифлашга ожизлик қилади», деган фикрни илгари суради.<sup>910</sup>

<sup>5</sup>Nowak M. UN Covenant on Civil and Political Rights: CCPR Commentary. – 2nd ed. – Kehl: N.P. Engel, 2005. – P. 455.

<sup>6</sup>UN Human Rights Committee. General Comment No. 34 (2011). CCPR/C/GC/34. Para. 11.

<sup>7</sup>Maurer H. Allgemeines Verwaltungsrecht. – 18. Aufl. – München: C.H. Beck, 2011. – S. 119–120.

<sup>8</sup>Starostsyak J. Elementy teorii organizaczi i zarządzania w administraczi. – Warszawa: PWN, 1978. – S. 215.

<sup>9</sup>Habermas J. Between Facts and Norms: Contributions to a Discourse Theory of Law and Democracy. – Cambridge: MIT Press, 1996. – P. 301–330.

<sup>10</sup>Craig P. Administrative Law. – 7th ed. – London: Sweet & Maxwell, 2012. – P. 402.

Тўртинчиси – иштирокчи демократия назарияси. Мазкур назария вакиллари Б. Барбер ва К. Патеманнинг илгари сурган концепцияларида мурожаатни иштирокчи демократияни амалга ошириш механизмларидан бири сифатида баҳолаб, унинг мустақил ҳуқуқий аҳамиятини рад этади. Хусусан, «мурожаат ҳуқуқи фуқаровий жамоатчилик иштирокининг расмий канали, давлат органлари ва фуқаролик жамоаси ўртасидаги диалог инструменти сифатида маъно касб этади» деган хулосага келишади. К. Патеман эса мурожаат институтини фуқаровий иштирок назариясида «паст даражали иштирок (minimal participation)» механизми деб таснифлайди.<sup>1112</sup>

МДХ давлатлари ҳуқуқ доктринасида мурожаатлар институтига нисбатан алоҳида ёндашув шаклланди. Россиялик давлат бошқаруви назариётчиси Г.В. Атаманчук мурожаатни «давлат бошқарувининг тескари алоқа механизми» деб таърифлайди ва фуқаролар мурожаатлари маъмурий бошқарув тизимига аниқ ижтимоий вазиятни акс эттиришнинг таҳлилий канали вазифасини бажаради, деган хулосага келади. Ушбу функционал ёндашув МДХ мамлакатлари классик назария анъанасида кенг тарқалган бўлиб, мурожаатни субъектив ҳуқуқлар тизимидан кўра бошқарув самарадорлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилишни афзал кўради.<sup>13</sup>

Мазкур назарий баҳслар таҳлилдан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Конституциявий ҳуқуқ назарияси мурожаатни субъектив ҳуқуқ сифатида эътироф этишда тўғри йўналишни кўрсатади. Бироқ у мурожаат механизмининг маъмурий жараёндаги амалий ролини тўлиқ ёритмайди. Маъмурий ҳуқуқ институти концепцияси эса мурожаатнинг процессуал томонларини ижобий тавсифлайди, аммо унинг конституциявий-ҳуқуқий асосини иккинчи даражага қўяди. Хабермаснинг коммуникатив демократия назарияси жамиятнинг давлат билан мулоқоти нуқтаи назаридан муҳим, аммо ҳуқуқий аниқликда етарли эмас. Ушбу ёндашувларни илмий таҳлил қилар эканмиз, фикримизча, фуқаролар мурожаатлари институти дуал мақомга эга бўлиб, у ҳам конституциявий субъектив ҳуқуқ (мурожаат қилиш ҳуқуқи), ҳам маъмурий-ҳуқуқий жараён (кўриш, ҳал қилиш, назорат қилиш механизми) сифатида фаолият кўрсатади. Ушбу дуал табиат мурожаатлар институтига нисбатан бир вақтнинг ўзида конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ нормаларини қўллашни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар мурожаатлари институтининг конституциявий асослари йиллар давомида такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга» эканлиги белгиланган. Ушбу конституциявий мезон жаҳон тажрибасига мутаносиб бўлиб, хусусан Германия Асосий қонунининг (Grundgesetz) 17-моддаси «ҳар ким», АҚШ Конституциясининг Биринчи ўзгартиришидаги «халқ» (the people) деган атамалари ҳуқуқ субъектини фуқаролик мақомидан мустақил равишда белгилаган.<sup>14</sup>

Ўзбекистонда конституциявий нормани амалга оширувчи асосий қонун сифатида янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги

<sup>11</sup>Barber B. Strong Democracy: Participatory Politics for a New Age. – Berkeley: University of California Press, 1984. – P. 261.

<sup>12</sup>Pateman C. Participation and Democratic Theory. – Cambridge: Cambridge University Press, 1970. – P. 43.

<sup>13</sup>Атаманчук Г.В. Теория государственного управления. – М.: Омега-Л, 2004. – С. 256.

<sup>14</sup>Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland vom 23. Mai 1949. Art. 17.

қонуннинг 1-моддасида мурожаатлар тақдим этишнинг учта тоифаси таснифланган: ариза – ҳуқуқни амалга ошириш ёки ундан фойдаланишга кўмаклашиш тўғрисидаги мурожаат; шикоят – бузилган ҳуқуқ ёки қонуний манфаатни тиклаш тўғрисидаги мурожаат; таклиф – жамиятни такомиллаштиришга қаратилган мурожаат. Ушбу таснифнинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, ҳар бир тур учун жавоб бериш муддати, расмийлаштириш тартиби ва масъулият механизми алоҳида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни структурасини Европа стандартлари билан қиёслаганда, Европа маъмурий ҳуқуқи бўйича йирик монография муаллифи Й. Шварце Европа маъмурий ҳуқуқида мурожаатни кўриш механизмининг тўртта асосий талабга жавоб бериши кераклигини таъкидлайди: аниқлик (certainty) – мурожаатга жавоб бериш мажбурияти белгиланганлиги; самарадорлик (effectiveness) – ҳуқуқий таъсир доирасининг аниқлиги; мутаносиблик (proportionality) – жавоб муддатининг ишнинг мураккаблигига мослиги; шаффофлик (transparency) – қарорнинг асосланган бўлиши. Ушбу илмий мезонлар нуқтаи назаридан миллий қонунчиликни баҳолайдиган бўлсак, «аниқлик» ва «самарадорлик» талаблари етарли даражада қонунчилик доирасида ҳал этилган. Бироқ тегишли муносабатларга нисбатан «мутаносиблик» ҳамда «шаффофлик» масалаларида ҳуқуқий тартибга солишда бир қатор бўшлиқлар мавжудлигини тан олиш зарур.<sup>15</sup>

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарорлар қабул қилганлик ёхуд фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этганлик ҳолатлари учун масъулият механизми назарда тутилган. Бироқ ушбу нормадаги фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқларига «жиддий зарар етказиш» мезони аниқ белгиланмаган. Тадқиқотчи И.Б. Тўрақулов бу масалага алоҳида тўхталиб, амалиётда «жиддий зарар етказиш» мезонини баҳолаш органнинг мутлақ ихтиёрига ташлаб қўйилганини, бу эса суистеъмомчиликнинг ҳуқуқий асосига айланаётганини кўрсатиб беради. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида мазкур муаммо Германия маъмурий ҳуқуқидаги «жавоб бериш мажбурияти (Bescheidungsspflicht)» доктринаси ёрдамида ечилиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Мазкур доктринага кўра, орган такрорий мурожаатни рад этиш учун аниқ ва текширилиши мумкин бўлган ҳуқуқий асосни аниқ кўрсатиши шарт ҳисобланади.<sup>16</sup>

Прокурор назоратининг фуқаролар мурожаатлари институтидаги ўрни ўзига хос ҳуқуқий табиатга эга. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни прокуратура органига «фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш» вазифасини юклайди. Жумладан, ушбу қонуннинг 32-моддасига кўра, прокурор ушлаб турилган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ҳамда жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларига тортилган шахсларнинг жазони ижро этувчи орган ёки муассаса маъмуриятига, бошқа давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Ушбу норма прокурорни мурожаатлар тизимида иккита асосий ўрин тутувчи субъект мақомига кўтаради: биринчидан, прокурор мурожаатни қабул қилиш ва кўриш

<sup>15</sup>Schwarze J. European Administrative Law. – Rev. 1st ed. – London: Sweet & Maxwell, 2006. – P. 1445.

<sup>16</sup>Тўрақулов И.Б. Маъмурий ҳуқуқ ва рақамли давлат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. – Б. 78–82.

субъекти; иккинчидан, прокурор бошқа органлар томонидан мурожаатларни кўришда қонунийликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи субъект.

Қонундаги ушбу қоидаларнинг амал қилиш мезонига нисбатан ҳуқуқшунослик илмий жамоатчилик доирасида назарий жиҳатдан баҳсли масала сифатида қаралади. Профессор Х. Маурернинг фикрига кўра, назорат функцияси ва мурожаатни кўриш функциясини бир органга юклаш «назорат нейтраллиги (Kontrollneutralität)» тамойилига зид бўлиши ва бир орган томонидан ўзи кўрган мурожаат сифатига объектив баҳо бериш масаласи боши берк кўчага кириб қолиши мумкин. Шуни ҳам алоҳида эътиборга олиш лозимки, МДХ мамлакатлари ҳуқуқий тизимидаги прокуратура органи Ғарбий Европа давлатлари ҳуқуқий тизимларидаги прокуратурадан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистонда прокуратура тизими «умумий назорат» функциясини амалга оширувчи орган сифатида конституциявий мақомга эга бўлиб, унинг мурожаатлар устидан назорати ушбу умумий назорат ваколатининг таркибий қисми ҳисобланади.<sup>17</sup>

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 3 ва 4-моддалари маъмурий органнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ёки қарорлари, шунингдек мурожаатга берилган жавоб маъмурий судда шикоят объекти бўлиши мумкинлигини белгилаб, мурожаат муносабатларига процессуал кафолат элементини қўшади. Ушбу норматив асос фуқарога нафақат органга мурожаат қилиш, балки у ерда олинган жавобнинг қонунийлигини мустақил суд органи орқали текшириш ҳуқуқини кафолатлайди. Ушбу норма мурожаат натижасида чиқарилган қарорни маъмурий ҳужжат сифатида таснифлаш имконини беради ва шу тариқа мурожаат ҳуқуқини суд орқали мажбурлаб ижро эттириш механизмига боғлайди. Бу ўз навбатида прокурор назоратига нисбатан ҳам муҳим оқибат туғдиради: прокурор томонидан кўриб чиқилган ва рад этилган мурожаатга нисбатан ҳам суд назоратининг имконияти мавжудлиги тан олинади.<sup>18</sup>

Рақамли муносабатларнинг жадал ривожланиши фуқаролар мурожаатлари институтига янги ҳуқуқий тавсиф беришни тақозо этмоқда. 2016 йилда ишга туширилган Виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари, 2022 йилда фаолият бошлаган «murojaat.gov.uz» ягона платформаси мурожаатларни автоматлаштирилган таснифлаш ва йўналтириш имконини берди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.04.2026 йилдаги «Аҳоли билан мулоқот тизимини самарали ташкил қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ мурожаатлар «шошилиш», «одатий» ва «маслаҳат талаб қилувчи» тоифаларга ажратилди. Муддати ўтган мурожаатлар эса автоматик тарзда юқори органларга юборилади. Ушбу рақамли трансформация мурожаат ҳуқуқини конституциявий субъектив ҳуқуқ сифатида сақлаб қолган ҳолда, унинг амалга оширилиш механизмининг сифат жиҳатидан янги «рақамли назорат» даражасига кўтарди.

Рақамлашув жараёни фуқаролар мурожаатлари институтига нисбатан янги ҳуқуқий квалификация масалаларини юзага келтирмоқда. Хусусан, сунъий интеллект алгоритмлари асосидаги автоматлаштирилган таснифлаш тизимлари «такрорий мурожаат» деб баҳоланган аризага рад жавобини мустақил равишда генерация қилаётган ҳолларда ушбу рад жавобининг ҳуқуқий табиатини аниқлаш масаласи ҳуқуқий жиҳатдан тобора долзарб тус олмақда. Муаммонинг моҳияти шундаки,

<sup>17</sup>Maurer H. Allgemeines Verwaltungsrecht. 18. Aufl. – München: C.H. Beck, 2011. – S. 186–188.

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. 2018 йил 25 январь, ЎРҚ-462-сон. 3, 4-моддалар. // lex.uz

маъмурий акт ва оддий маъмурий ҳаракат ўртасидаги фарқлаш мезонлари анъанавий равишда инсон томонидан чиқарилган қарорларни назарда тутати. Рақамли алгоритм томонидан автоматик генерация қилинган рад жавоби эса ушбу мезонлар доирасига аниқ сиғмайди.

Маъмурий ҳуқуқ назариясига кўра маъмурий акт учта хусусиятга эга бўлиши лозим: ваколатли орган томонидан чиқарилганлик, аниқ шахсга йўналтирилганлик ва ҳуқуқий оқибатлар туғдирувчанлик. Алгоритм томонидан чиқарилган рад жавоби иккинчи ва учинчи мезонга жавоб беради, яъни у аниқ аризага йўналтирилган ва унинг мурожаатини кўриб чиқиш ҳуқуқини амалда чеклайди. Биринчи мезон бўйича эса муаммо алгоритмнинг мустақил ваколатли субъект эмас, балки давлат органи томонидан фаолиятга жорий этилган техник восита сифатида эътироф этилишидир. Германия маъмурий ҳуқуқи доктринасида бу масалага нисбатан «институционал вакиллик» назарияси татбиқ этилган бўлиб, унга кўра давлат органи алгоритмни қарор қабул қилиш воситаси сифатида жорий этган бўлса, алгоритм қарорлари органнинг ўз қарорлари деб эътироф этилади ва мазкур орган масъулиятли субъект ҳисобланади. Ушбу ёндашув Ўзбекистон ҳуқуқ тизими учун ҳам методологик асос бўлиши мумкин.

Прокурор назорати нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу масала янада мураккабланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 32-моддаси прокурорга мурожаатлар бўйича қонунийликка риоя этилишини назорат қилиш ваколатини берган. Агар алгоритм томонидан чиқарилган рад жавоби маъмурий акт сифатида квалификация қилинса, прокурор ушбу ҳужжатга нисбатан протест ёки бошқа ҳуқуқий чоралар кўриш ҳаракатларини амалга ошириши мумкин. Агар у оддий маъмурий ҳаракат деб топилса, прокурорнинг назорат ваколатлари тор ва асосан умумий қонунийлик назорати доирасида қолади.

Бизнинг фикримизча, мазкур масалани ечиш учун учта асосий методологик йўналиш мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: биринчиси – рақамли (алгоритм) технологиялар томонидан чиқарилган ҳар қандай рад жавобини маъмурий ҳужжат деб тан олиш ва унинг ижро этилишидан олдин мутасадди органнинг масъул ходими томонидан тасдиқланиши шартини мажбурий деб белгилаш; иккинчиси – рақамли технологиялар томонидан берилган рад жавобларини маъмурий ҳужжат ва маъмурий ҳаракат орасидаги «гибрид ҳуқуқий категория» деб янгича таснифлаш ва уларга нисбатан алоҳида шикоят тартибини, шу жумладан прокурорга мурожаат имконини белгилаш; учинчиси – Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга алоҳида норма киритиш ва унда рақамли (алгоритм) асосида чиқарилган рад жавобларининг ҳуқуқий мақоми, уларга шикоят тартиби ҳамда прокуратуранинг бу соҳадаги назорат ваколатларини аниқ белгилаш.

Биз юқорида келтирилган таклифлардан айнан учинчи йўналишни устувор деб ҳисоблаймиз. Бунга асос шундаки, гибрид категориянинг амалиётда исботланмаганлиги ҳамда янги қонун нормасининг аниқлиги ҳуқуқий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан самаралироқ ҳисобланади. Шу тариқа прокурор рақамли технологиялар томонидан рад этилган мурожаатга нисбатан назорат ваколатини тўлиқ ҳажмда, яъни протест бериш, тақдимнома киритиш ва маъмурий судга мурожаат ташаббуси билан чиқиш тарзида амалга ошириш имконига эга бўлади. Бу эса рақамли муҳитда прокурор назоратининг самарадорлигини сақлаб қолишнинг муҳим ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

**ХУЛОСА**

Олиб борилган таҳлил натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин. Фуқаролар мурожаатлари институти узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтиб, монарх «марҳамати» актидан замонавий конституциявий субъектив ҳуқуқ мақомига кўтарилган. Унинг ҳуқуқий табиати дуал хусусиятга эга бўлиб, ҳам конституциявий субъектив ҳуқуқ, ҳам маъмурий-ҳуқуқий жараён сифатида намоён бўлади. Бу эса мурожаатлар институтига нисбатан конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ нормаларини мужассамлаштирувчи комплекс ёндашувни тақозо этади.

Ўзбекистон қонунчилигида мурожаатлар тоифаси, муддати ва масъулияти етарли даражада тартибга солинган, бироқ «жиддий зарар етказиш» каби баҳолаш мезонларининг аниқ белгиланмаганлиги, шунингдек мутаносиблик ва шаффофлик жиҳатларидаги бўшлиқлар такомиллаштирилишни талаб қилади. Рақамли муҳит шароитида сунъий интеллект асосидаги автоматлаштирилган тизимлар томонидан чиқарилган рад жавобларининг ҳуқуқий мақоми «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда алоҳида норма билан мустаҳкамланиши лозим. Бу прокурор назоратининг рақамли муҳитдаги самарадорлигини таъминлайдиган муҳим ҳуқуқий кафолат ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Адолат, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. 2018 йил 25 январь, ЎРҚ-462-сон. // lex.uz
5. Magna Carta, 1215 // Stephenson C., Marcham F. (eds.) Sources of English Constitutional History. – New York: Harper & Row, 1972.
6. United States Constitution. Amendment I (1791). // <https://constitution.congress.gov/>
7. Grundgesetz für die Bundesrepublik Deutschland vom 23. Mai 1949. Art. 17.
8. UN Human Rights Committee. General Comment No. 34 (2011). CCPR/C/GC/34.
9. Tellegen-Couperus O. A Short History of Roman Law. – London: Routledge, 1993.
10. Lichtenberg A. The Historical Development of the Right to Petition // Journal of Legal History. – 2001. – № 22(2). – P. 45–78.
11. Nowak M. UN Covenant on Civil and Political Rights: CCPR Commentary. – 2nd ed. – Kehl: N.P. Engel, 2005.
12. Maurer H. Allgemeines Verwaltungsrecht. – 18. Aufl. – München: C.H. Beck, 2011.
13. Starostsyak J. Elementy teorii organizacji i zarządzenia w administracji. – Warszawa: PWN, 1978.
14. Habermas J. Between Facts and Norms: Contributions to a Discourse Theory of Law and Democracy. – Cambridge: MIT Press, 1996.
15. Craig P. Administrative Law. – 7th ed. – London: Sweet & Maxwell, 2012.
16. Barber B. Strong Democracy: Participatory Politics for a New Age. – Berkeley: University of California Press, 1984.
17. Pateman C. Participation and Democratic Theory. – Cambridge: Cambridge University Press, 1970.
18. Schwarze J. European Administrative Law. – Rev. 1st ed. – London: Sweet & Maxwell, 2006.
19. Атаманчук Г.В. Теория государственного управления. – М.: Омега-Л, 2004. – 584 с.

20. Тўрақулов И.Б. Маъмурий ҳуқуқ ва рақамли давлат. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.



**INNOVATIVE  
ACADEMY**